

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 336:658 (575.1)

ИРГАШЕВ ДИЛМУРОД ИКРОМОВИЧ

КОРХОНАЛАРДА ФОЙДАНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
ТАҚСИМЛАНИШИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.07 - “Молия, пул муомаласи ва кредит” ихтисослиги

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини
олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий рахбар:
иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор Р.Х. Карлибаева

ТОШКЕНТ–2022

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. КОРХОНАЛАРДА ФОЙДАНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАҚСИМЛАНИШИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ	13
1.1. Фойданинг иқтисодий категория сифатидаги мазмуни ва унга оид назарий қарашларнинг концептуал асослари	13
1.2. Корхоналарда фойданинг шаклланиши ва тақсимланишини бошқаришнинг мақсади ва вазифалари.....	35
1.3. Корхоналарда фойданинг шаклланиши ва тақсимланишини бошқаришнинг умумий ва хусусий тамойиллари.....	48
Биринчи боб бўйича хулосалар.....	60
2-БОБ. КОРХОНАЛАРДА ФОЙДАНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАҚСИМЛАНИШИНИ БОШҚАРИШ АМАЛИЁТИНИНГ ТАҲЛИЛИ	62
2.1. Корхоналарда актив ва пасивларни мувозанатли бошқаришнинг соф фойдани самарали шаклланишига таъсири.....	62
2.2. Корхоналарда фойданинг шаклланиш манбалари ва уни бошқариш амалиётининг таҳлили.....	93
2.3. Операцион фойда омилининг корхоналар реал бозор қийматига таъсирини баҳолаш моделини ишлаб чиқиш.....	106
Иккинчи боб бўйича хулосалар.....	111
3-БОБ. КОРХОНАЛАРДА ФОЙДАНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ОПТИМАЛ ТАҚСИМЛАНИШИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	113
3.1. Корхоналарда фойданинг тақсимланишини бошқаришни такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.....	113
3.2. Фойданинг тақсимланишини бошқаришнинг комплекс тизimini ишлаб чиқиш орқали рентабеллик кўрсаткичини оптималлаштириш йўллари.....	125
3.3. Корхоналарда фойдани оптимал тақсимлашни бошқаришда дивиденд сиёсатини такомиллаштириш.....	131
Учинчи боб бўйича хулосалар.....	142
ХУЛОСА	144
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	149

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги. Жаҳонда йирик компанияларнинг даромадлилик кўрсаткичини ошириш, уларнинг акциялари қийматини ва бозор капиталлашув даражасини юксалтириш борасида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. «Жумладан, ушбу рейтингда етакчилик қилувчи «Apple» компанияси ижобий молиявий натижаларни кўрсатди. Унинг даромади 2020 йилда 365 миллиард долларга етиб, ўз фойдасини аввалги йилга нисбатан 100 миллиард долларга оширишга муваффақ бўлди. Натижада, компаниянинг бозор капиталлашуви 2,66 триллион долларни ташкил этиб, қимматли қоғозлар даромадлилиги йил давомида 31% га ошган. «Samsung» компаниясининг операцион фойдаси 2020 йилда 32,1 миллиард долларни ташкил этиб, 29,62 фоизга ошган. Компаниянинг ушбу йилдаги умумий савдоси 161,9 миллиард долларга етиб, 2,78 фоизга ошган»¹. Шундай экан, юқори даромадга эришишда корхоналар фойдасининг шаклланиши ва уни оқилона тақсимлашда самарали бошқарув тизимини яратилганлиги жаҳон иқтисодиётининг ривожланишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда.

Жаҳонда корхоналар фойдасининг шаклланиши ва тақсимланишини бошқариш бўйича олиб борилаётган илмий тадқиқотларда жорий активлар таркибидаги муомала фондларини камайтириш орқали молиявий эксплуатацион эҳтиёжларни минималлаштириш, соф фойда кўрсаткичи негизида интенсив иқтисодий ўсишни таъминлашга йўналтирилган бошқарув қарорларини қабул қилиш, акциядорлик жамиятлари фойдасини самарали бошқаришнинг асосий мезонларини белгилаш, соф фойдани таркибий элементи сифатида тақсимланмаган фойда ҳисобига ички молиявий захираларини ошириш, дивиденд сиёсатини оптималлаштириш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда иқтисодий ўзгаришлар шароитида акциядорлик жамиятлари фаолият юритишининг янги механизмини ишлаб чиқиш ва

¹ <https://finance.rambler.ru/business/45698585-nazvana-operatsionnaya-pribyl-kompanii-samsung-electronics-za-2020-god/>

такомиллаштириш, улар билан давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг сифат жиҳатидан янги шаклига ўтказиш, барча ривожланиш жараёнига таъсир кўрсатадиган, шу жумладан иқтисодий фаолият натижалари сифатида фойдани шаклланиши ва уни оқилона тақсимлаш механизмларини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Акциядорлик жамиятлари фойдасини шакллантириш ва тақсимлаш жараёнларини бошқариш, бугун тез ўзгарувчан бозор омиллари шароитида тизимли тавсифга эга эмаслигини кўрсатмоқда. Бу каби ҳолатларни ёғ-мой маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи корхоналаримиз фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Бундан ташқари, комплекс «фойда» категориясидаги назарий талқинларнинг хилма-хиллиги, фойданинг иқтисодий категория сифатидаги функционал вазифаларига хос полисемантик тавсифдаги қарашлар, замонавий бозор шарт-шароитларига хос ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда фойдани шакллантириш ва тақсимлаш тизимининг умумий методологик тамойилларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 16 январдаги ПҚ-4118-сон «Ёғ-мой тармоғини янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ва соҳани бошқаришда бозор механизмларини жорий этиш тўғрисида»ги қарори айнан ёғ-мой тармоғида самарали бошқарув тизимини жорий этишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Шу муносабат билан корхоналар бошқарувининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда фойдани шаклланиши ва тақсимланишини бошқариш бўйича тадқиқотларнинг долзарблиги муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2019 йил 8 январдаги ПФ-5614-сон «Иқтисодиётни янада ривожлантириш ва иқтисодий сиёсат самарадорлигини оширишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари шунингдек, 2020 йил 28 декабрдаги ПҚ-4937-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини